

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ БАХТИЁР СУЛТОНОВИЧ

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪСИРИ ОҚИБАТИДА ОШҚОЗОН ИЧАК
ТРАКТИДАН ҚОН КЕТИШЛАР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАКТИКАСИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳамроев Бахтиёр Султонович

Дори воситалари таъсири оқибатида ошқозон ичак трактидан қон кетишлар
диагностикаси ва давосининг замонавий тактикаси 3

Ҳамроев Бахтиёр Султонович

Современная тактика диагностики и лечения кровотечений желудочно-
кишечного тракта, в результате воздействия лекарственных средств 23

Hamroyev Bakhtiyor Sultonovich

Modern tactics for the diagnosis and treatment of bleeding from the gastrointestinal
tract, as a result of exposure to drugs 43

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҲАМРОЕВ БАХТИЁР СУЛТОНОВИЧ

**ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТАЪСИРИ ОҚИБАТИДА ОШҚОЗОН ИЧАК
ТРАКТИДАН ҚОН КЕТИШЛАР ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТАКТИКАСИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2021.4.PhD/Tib 2307 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz)

Илмий раҳбар

Ўроқов Шухрат Тўхтаевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар

Сафоев Бақодир Барноевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Акбаров Миршавкат Миралимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

С.В.Очаповский номидаги Илмий тадқиқот институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри. А. Навоий шоҳ кўчаси, 1- уй. Тел./факс: (+99865) 223-00-50; e-mail: buhme@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н. Казакова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Б.З. Хамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ошқозон ичак тизимидан қон кетишларни ўз вақтида ташҳислаш ва даволаш тактикасининг адекват амалга оширилиши масалалари, шошилинич жарроҳликнинг бугунги кунга қадар етарли даражада ҳал қилинмаган муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг билан биргаликда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасидан қон кетишлар кун сайин ўсиб ҳозирги вақтда 100 000 аҳолига 90-103 кишини ташкил қилмоқда, «...дорилар билан даволашнинг самарадорлиги умумқабул қилинганлигига қарамаздан қон кетишлар билан асоратланганда ўлим кўрсаткичлари стабил юқори бўлиб қолмоқда ва 10-14% ни ташкил қилмоқда...»¹.

Жаҳон миқёсида олиб борилган кенг қўламли тадқиқотларнинг таҳлили асосида келтирилган маълумотларга кўра яра касаллиги, айниқса ошқозоннинг тана қисми яраларининг сезиларли даражада камайиши кузатилсада, ошқозон ичак тизимидан қон кетишлар частотаси яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларининг тобора кенг доирада қўлланилаётганлиги ҳисобига аксинча ўсиш тенденциясини намоён этмоқда. Маълумки яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларининг таъсирлари ҳисобига қизилўнгач ва ошқозон шиллиқ қаватларида яширин қон кетишдан тортиб, токи профуз қон кетишигача сабаб бўлувчи эрозив ўзгаришлар ва яраларнинг ривожланиш ҳолатлари юзага келиши кузатилмоқда. Яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари таъсирида ошқозонда простогландинлар ажралишининг камайиши кузатилиб, бу ҳолат ошқозон шиллиқ қаватининг цитопротектив қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади, бу жараён эса ошқозон ичак тизими юқори қисмида эрозия ва яраларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар орасида касалликларга эрта ташҳис қўйиш, уларнинг асоратларининг частотасини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида кўрсатилган 7 та устувор йўналишнинг 4-қисм 56-мақсадида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимлари потенциалини ошириш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг 2022-2023 йилларга мўлжалланган дастурини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга ошириш...»² вазифалари белгиланган. Ушбу режада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг вазифалари белгилаб берилган. Ошқозон ичак тизимининг яралари ва уларнинг асоратланиши, хусусан касалликда оптимал консерватив даволаш билан бир қаторда турли оғирликда кечувчи яраларда, қон кетишларни эрта аниқлаш ва адекват даволаш, шунингдек радикал жарроҳлик амалиётлари орқали комплекс

¹ Абдуллаев А.Н., Литвинова Д.В., 2018. Оценка влияния факторов риска на развитие желудочно-кишечных кровотечений //Актуальные проблемы экспериментальной и клинической медицины. –2018. - №2. - С. 33-33.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

даволашни амалга ошириш билан беморларда реабилитацияни самарали таъминлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги вақтларда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари (ЯҚНДВ) нинг кенг кўламда қўлланилиши сабабли ошқозон-ичак тизимидан қон кетишлар йил сайин ортиб бораётганлиги аниқланган. Тадқиқотлар шуни кўрсатганки ҳаттоки кам дозадаги, 75 - 325 мг микдорда ЯҚНДВ қўлланилганда ҳам ошқозон шиллиқ қаватининг жароҳатланишини 2-4 баробарга ортиши маълум бўлган (Фомин П.Д., Никишаев В.И., 2020).

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг проксимал бўлимларида ЯҚНДВ ларнинг улцероген таъсирида ётган механизмларни узоқ муддатлар давомида ўрганиб келинмоқда. Меъёрий шароитда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда агрессив ва ҳимоя омиллари ўртасида баланс мавжуд. ЯҚНДВ ларни қабул қилиш жараёнида эса, простагландинлар етишмовчилиги юзага келиб улар ошқозон яраларининг ҳосил бўлишининг патогенезида энг муҳим рол ўйнайди. Циклооксигеназининг ингибирланиши ҳисобига простагландинлар синтезининг камайиши, ҳам ЯҚНДВ дан кутилаётган клиник самаранинг (вазодилатациянинг, шишнинг, оғриқнинг камайиши), ҳам ошқозоннинг шиллиқ қаватига зарарловчи улцероген таъсир кўринишидаги кутилмаган ножўя таъсирнинг асоси бўлиб ҳисобланади (Ефремов А.Л. ва ҳаммуаллифлар, 2020).

Турли этиологияли ошқозон ичак тизимидан қон кетиши сабабли ўлим ҳолати ошқозон ва 12-бармоқли ичак ярасининг асорати бўлган перфорациядан олдинги яъни етакчи ўринни эгаллайди. Ошқозон ичак тизимининг юқори қисми (гастроудоденал соҳа)дан қон кетишлар муаммоси, учраш даражаси ва ўлим кўрсаткичининг юқорилиги ҳамда унинг ўсиб бораётганлиги ҳисобига жаҳон тиббиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда, АҚШ нинг ўзида ҳар йили қон кетиш билан 300 000 бемор касалхонага ётқизилса, шундан

150 000 нафари гатродуоденал яралар билан боғлиқ. Буюк Британияда эса касалхонага ётқизилиш зарурати бўлган ўткир яралардан қон кетиш частотаси 100 000 аҳолига 25 кишига тўғри келади [Ступин В.А., Смирнова Г.О., ва ҳаммуал. 2020].

Абдуллаев А.Н., Литвинов Д.В. (2018) нинг маълумотларига кўра ошқозон ичак тизимининг юқори бўлимларидан қон кетишнинг сабаблари орасида, ҳолатларнинг ярмидан кўпида ошқозоннинг яра ҳисобига зарарланиши ўрин олган.

Тадқиқотларда келтирилган маълумотларга кўра яра касаллиги, айниқса ошқозон танаси яраларининг сезиларли даражада камаяётганлиги кузатилиши баробарида, ошқозон ичак тизимидан қон кетишлар эса аксинча яллиғланишга қарши ностероид дори моддаларининг ҳисобига кўпайганлиги кузатилмоқда [Поваляев А.В., Дуванский В.А., Чернеховская Н.Е., 2020].

Маълумки яллиғланишга қарши дори воситалари таъсирида қизилўнғач ва ошқозоннинг шиллиқ қаватларида ҳатто профуз қон кетишига олиб келадиган эрозия ва яралар ривожланади. ЯҚНДВ воситалари таъсирида ошқозонда простогландинлар ажралишининг камайиши кузатилиб, бу ҳолат ошқозон шиллиқ қаватининг цитопротектив қобилиятининг пасайишига сабаб бўлади, бу жараён эса ўз навбатида ошқозон ичак тизимининг юқори бўлимида эрозия ва яраларнинг пайдо бўлишига олиб келади (Нишанов М.Ф., 2020).

ЯҚНДВ ёки ЦОГ-1 ва ЦОГ-2ни блокловчи дори моддаларининг барчаси простагландинлар функциясини пасайтириб, ошқозон гиперсекрециясига ва ошқозон ширасининг ацидопептик ҳамда агрессив фаолиятини ошириб, шиллиқ қаватнинг ҳимоя хусусиятини пасайтиради, бу эса ўз навбатида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак шиллиқ қаватлари бутунлигининг бузилишига ҳамда ушбу патологик жараённинг сурункали давом этишига олиб келади. Таъкидлаш жоизки, ЯҚНДВ ни узоқ муддат давомида қўллаш ҳамда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг шиллиқ қаватида эрозия ёки яра чақирувчи хавф омилларига ҳам эътибор қаратиш лозим [Бокерия Л.А. ВА ҳаммуаллифлар 2021].

Сўнгги 20 йил давомида статистик маълумотларга кўра, кардиохирургиянинг жадал ривожланиши, кардиофармацевтиканинг эришган ютуқлари, юрак қон-томир системаси касалликларининг келиб чиқиш сабабларига анчагина ойдинлик киритилиши, ушбу соҳадаги кузатиладиган асоратлар, шу жумладан, ўлим ҳолатининг сезиларли даражада пасайишига олиб келган. Унинг ўрнига эса овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ва асоратлари олдинги ўринга чиқмоқда. Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари ичида жигар ва ўт йўллариининг касалликларининг учраш даражаси бўйича етакчи ўринларни эгаллайди (Каримов Ш.И. ва ҳаммуал., 2022).

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ (02.2023.PhD.168) «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташҳислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб

чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив ярали жараёнларни ташҳислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив ярали жараёнлардан қон кетиш, унинг қайталаниши ва оғирлигини ўрганиш;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив ярали жараёнлардан қон кетиши қайталаниши, интенсивлигининг фон ва йўлдош касалликларига боғлиқлигини аниқлаш;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив ярали жараёнлардан қон кетишининг эндоскопик ўчоқларини аниқлаш;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив ярали жараёнлардан қон кетишларни даволаш натижаларини таҳлил қилиш;

олинган натижаларга асосланиб оғир қон кетишлар ва рецидивга хавфи бор беморлар учун текшириш – даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали хирургия бўлимларида яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари натижасида қон кетиши билан даволанган 275 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг қони, қон зардоби, ошқозон шиллиқ қаватини текшириш натижалари, Forrest шкаласи асосида қон кетишининг оғирлик даражаларини ўрганиш натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш учун клиник, клиник – лабаратор, (тромбоцитлар, коагулограмма, қоннинг ивиш вақти) инструментал (ултратовуш сонография, эластометрия, ЭФГДС) усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қабул қилиш натижасида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг ўткир эрозив-ярали жараёнларидан қон кетишлар сўнгги 3 йил ичида ошганлиги ва ушбу тоифадаги беморлар сонининг ўсиш тенденцияси кузатилиши аниқланган;

ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакнинг ўткир эрозив-ярали жараёнларидан қон кетишининг рецидивланишига мойиллик туғдирувчи омиллари сифатида фон касалликларининг ўрни аниқланган;

комплекс эндоскопик ва консерватив терапияга қўшимча равишда Ребамипид ва Глутатион кислоталарининг ва бир вақтнинг ўзида комбинирланган эндоскопик гемостазнинг ишлатилиши натижасида, рецидивлар кўрсаткичларининг камайиши, хусусан жигарнинг сурункали диффуз касалликлари фонидаги беморларда юқори самарадорлиги аниқланган;

яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қабул қилиш

натижасида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ўткир эрозив-яралли жараёнларидан қон кетишини даволашда ва қон кетиш рецидивларига таъсир қилувчи омилларни аниқлашда, уларга таъсир қилиш мақсадида ташхислаш-даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ошқозон ва 12 бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яралардан қон кетишларда, шунингдек яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасида кузатилган қон кетишларда касаллик кечишининг, клиник ва лаборатор таҳлил натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашув орқали консерватив, миниинвазив ва жарроҳлик ёндашуви орқали даволаш усулларининг самарадорлиги аниқланган ва баҳоланган;

яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қабул қилиш натижасида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ўткир эрозив-яралли жараёнларидан қон кетишида эндоскопик манзарага асосланиб, комбинирланган эндоскопик коагуляциянинг клипса қуйиш, ўчоққа спиртнинг инъекцияси ва диатермокоагуляция усулларининг комбинирланган ишлатишига кўрсатмалар аниқланган;

ошқозон ва 12 бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яраси натижасидаги қон кетишлар, шунингдек яллиғланишга қарши ностероид дори моддаларини қўллаш натижасида келиб чиққан қон кетиш асоратлари бўлган беморларнинг ёши, жинси, касаллик анамнези, асоратларнинг келиб чиқишига мойиллик туғдирувчи омиллар ва уларни ташхислашнинг мезонлари ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ҳамда амалий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тадқиқот объектлари сонининг етарлилиги, клиник, инструментал (ултратовуш сонография, эластометрия, мултиспирал компьютер томографияси, ЭФГДС) текширишлар натижаларининг ишонарлилиги, шунингдек, олинган натижаларнинг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққосланганда ишонарлилиги, шунингдек хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур илмий ишда ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яралардан қон кетишларда, шунингдек яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасидаги қон кетишларда касаллик кечишининг, клиник ва лаборатор таҳлил натижаларининг ўзига хослиги, беморларни ташхислашда ва ҳар бир беморга индивидуал ёндашув орқали консерватив, миниинвазив ва жарроҳлик усуллари билан даволашнинг самарадорлиги аниқланганлиги ва баҳоланганлиги; ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яралардан қон кетишларда, ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасидаги қон кетиши билан келган беморларда комплекс текширувлар ва даволаш режаси ишлаб чиқилганлиги; қайд этилган патологик жараёнлар туфайли ошқозон ичак тизимидан қон кетиши бартараф қилинишига қаратилган даво усуллари, қон кетишини эртароқ тўхташига ҳамда

организмда профуз қон кетиши сабабли келиб чиқиши мумкин бўлган ҳаёт учун муҳим аъзоларда чуқур патологик ўзгаришларнинг олди олиниши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яралардан қон кетишларда, ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасидаги қон кетиши билан оғриган беморларда комплекс текширувлар ва даволаш режаси ишлаб чиқишга доир билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшиши, амалий тиббиёт вакиллариининг ушбу ҳолатларда бажариши зарур бўлган тадбирларни тизимлаштириши орқали касалликни эрта даволашнинг бошланиши орқали асоратлар юзага келишининг эҳтимоллигини камайтириш билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари сабабли ривожланган ўткир эрозив яралари жараёнларни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш олинган илмий натижалар асосида:

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яралардан ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасида юзага келган қон кетишларда ташхислаш усуллариини такомиллаштириш имконини берган «Ошқозон ичак тизимидан қон кетиши билан келган беморларда ташхислаш алгоритми» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 10 ноябрдаги 8н-р/1256-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали яралари ва эрозияси туфайли, ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасидаги қон кетишлар билан касалланган беморларни хирургик даволашнинг самарадорлиги ва сифатини оширишга имкон берган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яраларидан ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситаларини қўллаш натижасида кузатилган қон кетишлар билан келган беморларни текшириш ва даволаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, хусусан, Бухоро, Олот туман тиббиёт бирлашмалари, шунингдек, Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Бухоро филиалининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 6 январдаги 8н-з/16-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг клиник амалиётга жорий қилиниши, жигарнинг сурункали диффуз касалликлари фонидида ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари натижасида келиб чиққан ўткир ярозив-яралари жараёнлардан қон кетишларида комбинацияланган эндоскопик гемостази бажариш ва анъанавий цитостатик даволашга ребамипид ва глутатион стандартини киритиш орқали, ётоқ кунлари сонини қисқартириши, хавфли ва патогенетик жиҳатдан асоссиз жарроҳлик аралашувларини камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси

бўйича жами 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **«Ошқозон - ичак трактидан қон кетишнинг замонавий ташҳислаш ва даволаш жиҳатлари: адабиётлар шарҳи»** ушбу муаммонинг ҳозирги ҳолати, олдини олишнинг турли хил ёндашувлари, маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг замонавий маълумотларига солиштирган ҳолда ёритилган. Адабиётлар таҳлили натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари»** яллиғланишга қарши дори воситаларини қабул қилиш ҳисобига ошқозон ичак тизимидан қон кетишлар бўлган беморларнинг шикоятлари, объектив кўрув, инструментал ва лаборатор текширув маълумотлари батафсил баён қилинган.

Илмий тадқиқот иши 2016-2022 йиллар давомида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг шошилиш жарроҳлик бўлимларида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак сурункали эрозияси ва яраларидан ҳамда яллиғланишга қарши ностероид дори воситалари туфайли ошқозон ичак тизимидан қон кетиши ташҳиси билан даволанган 275 нафар беморда олиб борилган изланиш натижаларига асосланган.

Беморларга клиник маълумотлар, лаборатория ва инструментал текшириш усуллари асосида ташҳис қўйилган. Беморлар клиникага, тез ёрдам линияси орқали, поликлиникадан йўлланма орқали ёки ўз машинасида мурожаат қилиб келган ва ётқизилган. Қабулхона бўлимида қон кетишига гумон қилинган беморлар жарроҳ томонидан текширилган. Шикоятлар ва анамнез синчиковлик билан йиғилган, шу жумладан ЯҚНДВ қабул қилган беморлар ҳам. Клиник текширув шунингдек, ташқи текшириш, аускультация, палпация, ректал текширув, қон босими ва юрак уришининг сонини аниқлаш, шок индекси

(ШИ), беморнинг умумий ҳолатини баҳолашни ўз ичига олган. Асосий касалликдан ташқари фон ва йўлдош касалликлар бўлган ҳолатларда тор мутахассислар томонидан кўшимча консултациялар ўтказилган.

Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдан қон кетишини ташхислашнинг асосий усули - фиброгастроуденоскопия (ФГДС) барча беморларда бажарилган. Стандартга мувофиқ, барча беморларга ултратовуш текшируви, эластометрия, кўрсатма бўлганда МРТ текшириш усуллари қўлланилган.

Дастлабки босқичда тадқиқот гуруҳлари турли хил клиник, лаборатор ва эндоскопик маълумотларга кўра таққосланган, ёши, жинси, мелена мавжудлиги, қон ёки кофе қуйқаси шаклидаги қолдиқларни қусиш, қон босими, пульс, шок индекси (ШИ), локализацияси ва яранинг табиати, Форрест таснифига кўра ошқозон яраси тубининг ҳолати, гемоглобин, қизил қон таначалари, мочевино, қондаги қанд миқдори, биокимёвий тестларда (билирубин, АЛТ, АСТ, мочевино, креатин, умумий оқсил), HBsAg, HBeAg, anti-HBe, anti-HBc-маркерлари текширилган.

Беморлар текширув жараёнида икки гуруҳга бўлиб ўрганилган. Биринчи гуруҳ I-назорат гуруҳи, анъанавий консерватив даволаш, яъни гемостатиклар, ангиопротекторлар, протон помпаси ингибиторлари, H₂-гистамин блокаторлари, антацидларни қабул қилган ва эндоскопик диатермокоагуляция қилинган 130 касаллик тарихини ўрганиш орқали ретроспектив тарзда ўрганилган. II-асосий гуруҳда эса проспектив тадқиқот ўтказилган, бунда ушбу гуруҳга 145 нафар бемор олиниб даволаш сифатини ошириш ва қон кетишининг такрорланишини (рецидивланишини) бартараф қилишга қаратилган анъанавий давога кўшимча равишда + Ребамипид 300 мг, Натрий хлорид 0,9%-200 мл + Глутатион 1,2-2,4 гр томир ичига секин томчилатиб кунига бир маҳал ва эндоскопик гемостазнинг комбинацияланган усуллари киритилган.

Асосий гуруҳнинг беморлари эндоскопик диатермокоагуляция билан бир қаторда 96% этил спирти билан инъекция қилиш ва уни яра атрофига юбориш орқали амалга оширилган. Худди шу гуруҳдаги беморларда, кўрсатмаларга кўра, инъекцион гемостазнинг бошқа усулларида фойдаланиш мумкин бўлган. Бундай ҳолда, 96% этил спирти 4 нуқтада қон кетиш манбасидан тўғридан-тўғри 1 мм узоқликда шиллиқ қават остига инъекция қилинган. Бир инъекция учун юбориладиган спирт миқдори 0,5 мл дан ошмаслиги керак, умумий ҳажми 1,0 - 1,5 мл ни ташкил қилган ва 2,0 мл дан ошмаслиги керак бўлган.

Назорат гуруҳидаги беморларни даволаш қон кетиш сабабининг характерига асосан, яъни ёши, жинси ва фон ҳамда йўлдош касалликларнинг мавжудлиги бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган миқдорларда бажарилган. 2016 йилдан 2021 йилгача 1352 бемор ЯҚНДВ қабул қилиш оқибатида ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ЎЭЯЖ дан қон кетиши билан касалхонага ётқизилган.

ЯҚНДВ сабабли индуцирланган ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ЎЭЯЖ лардан қон кетишининг энг катта ўсиши 2019-2020-2021 йилларга тўғри келган. Қон кетишининг кўпайиши COVID 19 пандемияси ва ЯҚНДВ нинг тартибсиз ва кўп миқдорда қабул қилиш билан боғлиқлиги кўриниб турибди.

Беморларнинг ёшига кўра тақсимланиши Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таснифига кўра амалга оширилган [Киев 1963], кузатувнинг 1 ва 2-гурӯҳларида ошқозон ичак тизими (ОИТ) дан қон кетиш билан касалланган беморларнинг ярмидан кўпи ўрта 45-59 (мос равишда 29,3% ва 37,5%) ёшдаги шахслар, кексалар ва қарилик ёшидагилар 60-89 (мос равишда 56,9% ва 29,2%) ёшни ташкил қилган. 1-гурӯҳдаги беморларнинг ўртача ёши $52,5 \pm 10,5$ ёш, 2-гурӯҳда - $58,5 \pm 13,6$ ёшдан иборат бўлган. Ўртача ёшга кўра, иккала кузатув гурӯҳи ҳам бир хилда тақсимланган ($p > 0,05$). (1-жадвал).

1-жадвал

Ошқозон ва 12 бармоқли ичакдан қон кетиши билан касалланган беморларнинг ёшига кўра тақсимланиши

Ёши	1-гурӯҳ (n =130) абс (% ± m)	2-гурӯҳ (n =145) абс (% ± m)	Жами (n =275) абс (% ± m)
45-59 (Ўрта ёш)	110 (84,6±6,0)	122 (84,1±5,0)	232 (84,4)
60-89 (кекса ва қарилик ёши)	йигирма (15,4±3,7)	23 (15,9±6,7)	43 (15.6)


Текширувнинг 1-гурӯҳидаги беморларнинг ўртача ёши $49,5 \pm 15,9$ ёшни, 2-гурӯҳда- $50,5 \pm 16,6$ ёшни ташкил этган. Ўртача ёш бўйича учта кузатув гурӯҳи бир хил бўлган, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар топилмаган ($p > 0,05$). Бошқа ёш гурӯҳларида (45-59 ёш, 60-89 ёш) асосий ва назорат гурӯҳлари ўртасида сезиларли фарқлар бўлмаган ($p > 0,05$)

2-жадвал

ЯҚНДВ сабабли Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдан қон кетиши билан касалланган беморларнинг жинсига кўра тақсимланиши.

Жинс	1-гурӯҳ (n=130) абс.р.(% ± m)	2-гурӯҳ (n=145) абс.р.(% ± m)	Жами (n=275) абс.р.(%)
Эркаклар	91 (70±2,4%)	101 (69,6±5,7%)	192 (69,8%)
Аёллар	39 (30±4,4%)	44 (31,4±6,7%)	83 (30,2%)

Текширилган пациентларнинг асосий ва назорат гуруҳлари вакилларининг кўрсаткичларида сезиларли фарқлар топилмаган.



1-расм. ЯҚНДВ қабул қилиш сабаблари (йўлдош касалликлар)

3-жадвал

Асосий гуруҳ вакилларида ЯҚНДВ ларни қабул қилинишига сабаб бўлган йўлдош касалликларнинг тузилиши

НЯҚДВ ларни қабул қилиш сабаблари (фон касалликлари)	Беморлар сони (n=275) абс.сон (%)
ЎРВИ	91 (33%)
Ревматоидли артрит	74 (27%)
Яллиғланишли артропатия	58 (21%)
Подагра	14 (5%)
Мигрен	27 (10%)
Қабул қилишнинг аниқланмаган сабаби	11(4%)
Жами	275 (100%)


Статистик жиҳатдан вакиллик намунасини олиш учун Гостищев В.К., Евсеев М.А. [2005] га кўра қон йўқотиш даражасининг таснифидан фойдаланилган. Қон йўқотиш даражасига кўра, асосий ва назорат гуруҳлари орасида сезиларли фарқ кузатилмаган ($p > 0,05$).

Иккала гуруҳдаги беморларда ЭФГДС қилиш орқали ошқозон ва 12 бармоқли ичакдан қон кетиш ҳолатларини қайд этиш динамикаси 4-жадвалда кўрсатилган.

Беморларни ошқозон ва 12 бармоқли ичакдан қон кетиш интенсивлиги бўйича тақсимланиши.

Ошқозон-ичакдан қон кетишининг тури	1-гурух (n=130) мутлақ сон (%)	2-гурух (n=145) абс.сон (%)	Жами (n=275) абс.с.(%)
Fia	7 (5,4)	6 (4)	13 (4,7)
Fib	33 (25)	31(21)	64 (23,3)
FIIa	39 (30)	43 (30)	82 (30)
FIIb	28 (22)	36 (25)	64 (23,3)
FIIc	21(16)	25 (17)	46(16,6)
FIII	2 (1,6)	4 (3)	6 (2,2)
Жами	130 (100,0)	145 (100,0)	275 (100,0)

Асосий ва назорат гуруҳлари ўртасида қон кетиш интенсивлигида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар аниқланмаган ($p > 0,05$). (4- жадвал. 2-расм)



Расм-4. Беморларнинг қон кетиш интенсивлигига кўра тақсимланиши.

Ошқозон-ичак тизимининг юқори қисмидан қон кетиш билан касалланган беморларнинг энг кўп сони 2020-2021 йилларда қайд этилган. Шубҳасиз, бу кўрсаткичлар COVID-19 пандемияси ва ЯҚНДВ кўп миқдорда ва тартибсиз қабул қилиш билан боғлиқ.

Статистик репрезентатив намуни олиш учун В.К.Гостицев, М.А.Евсеев (2005) бўйича қон йўқотиш даражасининг таснифи қўлланилди. (2.5-жадвал). Беморларнинг қон йўқотиш даражаси бўйича кузатув гуруҳларига тақсимланиши 5-жадвалда келтирилган.

Гостищев В.К., Евсеев М.А. бўйича қон йўқотиш даражасининг таснифи. (2005)

Қон йўқотиш даражаси	Глобуляр ҳажмининг етишмовчилиги АҚХ, %
Енгил	15 гача
Ўрта	15 дан 25 гача
Оғир	25 дан 35 гача
Жуда оғир	35 дан юқори

Назорат гуруҳдаги беморларнинг 55,4% қон йўқотишнинг енгил даражаси билан муружоат қилган, асосий гуруҳда бу кўрсаткич - 58,6% ни ташкил этган ($p>0,05$). Назорат (ретроспектив) гуруҳида ўртача қон йўқотиш даражаси беморларнинг 26,9% да, асосий гуруҳда эса 23,42% ($p>0,05$) ни ташкил этган. Оғир қон йўқотиш назорат гуруҳдаги беморларнинг 19,9% да ва асосий гуруҳда 17,2% да аниқланган ($p>0,05$).

Беморларда сўровнома ўтказилганда шикоятлари, касалликдан олдин дори моддаларини қабул қилганлиги, дори воситаларини қайси касаллик сабабли қабул қилганлиги, ЯҚНДВ қабул қилиш вақти ва миқдори, анамнез (асосий ва қўшимча касаллик анамнези), тери ва шиллик қаватлар ҳолати, кўнгил айниши, қайт қилишнинг мавжудлиги ҳисобга олинди.

Ультратовушли сонография. УТС да асосий эътибор иккита ҳолатга, яъни, биринчи навбатда билиар тизим ва жигар паренхимасига эътибор берилган. Жигар паренхимасининг ҳолати, атрофлари (қирғоқлари) нинг нотекислиги, ўлчамлари, жигарга кирувчи ва чиқадиган қон томирлари, уларнинг ўлчамлари, шунингдек, иккинчидан бир қисм беморларда портал қон айланиши портал тизим аностомозларининг ҳолати ультратовушли сонография ва доплерография усулида "Sonoline Vera Pro" "Siemens"(Германия) фирмаси ва "Echo Camera SSD-680" "Aloka"(Япония) фирмаси 3,5 МГц.тўлқин узунлигидаги конвексли датчик ёрдамида ўрганилган.

Эндоскопия. Эзофагогастроуденоскопия шошилинич кўрсатмаларга кўра, имкони борича, касалхонага ётқизилган пайтдан бошлаб дастлабки 30 дақиқа ичида амалга оширилган. Қон кетишининг намоён бўлиш хавфи ва юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг асоратларининг эҳтимолини инобатга олган ҳолда, диагностик манипуляциялар шок бўлимида ёки реанимация бўлимида ўтказилган. Беморлар постгеморрагик шокда бўлган ҳолатларда, гемодинамик кўрсаткичлар меъёрлашувидан сўнг эндоскопия ўтказилган.

Бундан ташқари, эндоскопик текширувда ошқозон шиллик қавати ҳолати ва ярали ўзгаришларга алоҳида эътибор берилган. ЭГДФС ёрдамида 26 (34,3%) бемордаги ҚВКВ ташқари 18 (23,7%) кишида (портал гастропатия) эрозив гастрит аломатлари ва 5 (6,6%) беморда ошқозоннинг пилорик қисми яраси, 3 (4%) кишида 12-бармоқли ичак яра касаллиги қайд қилинган.

Инъекция мақсадида Қозон (Россия Федерацияси) асбоб-ускуналар заводининг ИМЭ-2 эндоскопик игна-инжекторидан фойдаланилган.

Ушбу моддалар гастродуоденал қон кетишининг инъекцион эндоскопик гемостазида қўлланилган. Мутлақ ва 96% этил спирти қон кетиш манбасидан 1 мм атрофида 2-4 нуқталарда бажарилган. Бир инъекция учун юбориладиган спирт миқдори 0,5 мл дан ошмаслиги керак бўлган, умумий ҳажми 1,0 - 1,5 мл ни ташкил қилган ва 2,0 мл дан ошмаган ҳолда қилинган.

Эластометрия. Эластометрия ноинвазив, травматик бўлмаган усул бўлиб, Фиброскан ускунаси (Францияда ишлаб чиқарилган, FibroScan) ёрдамида ўрганиш усули, 5-10 дақиқада жигар тўқимасининг эластиклиги (зичлиги) ни ҳисобга олган ҳолда фиброз даражасини (Метавир усулида) аниқланган. Жигар тўқимаси зичлиги бу аниқ физикавий кўрсаткич бўлиб, килоПаскалда (кПа) ифодаланган. Кенгроқ майдонни ўрганиш мақсадида тўқима зичлиги 10 дан ортиқ нуқтада ўлчанган. Фиброз даражасини аниқлаш учун тўқиманинг эластиклик даражаси махсус ускуна ёрдамида, текширувчининг иштирокисиз бажарилиб, натижани баҳолаш инсон омилисиз хулосаланган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, оммабоп жигарни текшириш усуллари, яъни биокимёвий (билирубин, АЛТ, АСТ), УТС текширувлари кўпгина ҳолатларда фиброз ривожланиш даражасини аниқлашда аниқ натижа бермайди. Қайд этилган оммабоп усуллар фақатгина фибрознинг юқори даражаларидагина аниқ натижа бериши мумкин. Бундай ҳолатларда аниқ ташҳислай олмаслик ёки даво усулларини ўз вақтида бошламаслик беморда қисқа вақт орасида цирроз жараёнининг ривожланишига олиб келиши мумкин.

Изланиш натижаларини статистик қайта ишлаш нисбий кўрсаткичларни, ўртача қийматларни аниқлаш орқали статистик усуллар билан амалга оширилган: Арифметик ўртача (M) ўртача ($m \pm$) ва медианларнинг standart хатоси билан, 25 ва 75% ли, ишонч оралиғининг аҳамиятлилик даражаси интервал 0,05 бўлган. Т-мезонига кўра, асосий ва иккита назорат гуруҳидаги ўртача қийматлар ва нисбий кўрсаткичлардаги фарқларнинг статистик аҳамияти текширилган. Ишончлилик оралиғининг аҳамиятлилик даражаси 0,05 ($p < 0,05$) ва 0,01 ($p < 0,01$) дан кам бўлса, фарқлар аҳамиятли деб ҳисобланган. Уилкоксон тести ёрдамида (вариантлар сони 6 ёки ундан кўп бўлган ҳолда) кузатишнинг асосий ва назорат гуруҳларининг бир хиллиги текширилган. Параметрик бўлмаган Вилкоксон-Манн-Уитни тестидан фойдаланиб, ўзгарувчиларнинг қиёсий таҳлили ўтказилган. Кичкина намунадаги ўзгарувчилар орасидаги тасодифийлик ва унинг даражасини аниқлаш учун чизикли корреляция коэффиценти (r) ишлатилган.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Дори моддалари сабабли ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак эрозив ярали жараёнлардан қон кетишларнинг йўлдош касалликлар фонида кечиши хусусиятлари»** бўйича ўрганилган маълумотлар натижаларининг таҳлили келтирилган.

ЯҚНДВ дан фойдаланиш турли хил салбий ва ножўя таъсирлар билан боғлиқ. Айни пайтда ЯҚНДВ препаратлардан мунтазам фойдаланиш ошқозон-ичак тизими шиллиқ қаватидаги яллиғланиш, эрозив-ярали ўзгаришлар ва бир қатор салбий таъсирларни юзага келтириши исботланган. ЯҚНДВ қизилўнгачдан бошлаб тўғри ичакгача бўлган ошқозон ичак тизими (ОИТ)ни зарарлаши мумкин. Лекин ОИТ юқори қисмларининг ЯҚНДВ таъсирида ўткир

эрозив ва ярали жараёнларнинг (ЎЭЯЖ) ривожланиши 6 марта кўпроқ учрайди.

ЯҚНДВ томонидан келиб чиққан ўткир эрозив-ярали жараёнлар натижасида ушбу соҳалардан қон кетиш оғир даражалари ва такрорий (рецидив) қон кетишга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлаш учун ошқозон ичакдан қон кетиш билан касалланган беморларнинг ҳамроҳ касалликлар фонида ўрганилган.

2016 йилдан 2018 йилгача РШТЁИМ Бухоро филиали жарроҳлик бўлимларига ЯҚНДВ моддалари билан индуцирланган ўткир эрозив-ярали жараёнлар туфайли қон кетиш билан оғриган 130 бемор хирургия бўлимига госпитализация қилинган ва касаллик тарихи ретроспектив равишда таҳлил қилинган. Уларда касалхонада ётқизилган пайтдан бошлаб турли вақтларда ОИТ дан қон кетиш аниқланган.

